



Нукус шаҳри

Нөкис қаласы

№ 6-б

« 13 » январь 20 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январ кунги «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоаласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш тўғрисида»ги ПФ-4789-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Нукус шаҳар ҳокимлигининг 2017 йил 30 ноябрдаги 169-б, Тўрткўл туманининг 2017 йил 33 сентябрдаги 53-ф, Эллиққалъа тумани ҳокимлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги 62-ф, Кегейли тумани ҳокимлигининг 2017 йил 4 декабрдаги 43-б-сонли фармойишлари ҳамда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Қорақалпоғистон бўлимининг 2017 йил 4 декабрдаги 259-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 19 декабрдаги МС/04-02/2135-сонли хатларини инобатга олиб, кўзи ожиз инсонларнинг ва уларнинг оила аъзоларининг билим саводхонлигини ошириш мақсадида Нукус шаҳри, Тўрткўл, Эллиққалъа, Кегейли туманларида кўзи ожизлар кутубхоналари ташкил этиш ҳақидаги таклифлари мақуullanсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига (М.Содиқов) 2017 йил 14 июнда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги театрлар, концерт-томоша муассасалари ва бошқа маданий-маърифий муассасаларининг бошқарув, ижодий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг намунавий штатлари» жадвалига асосланиб, Нукус шаҳри ва Тўрткўл, Эллиққалъа, Кегейли туманларида кўзи ожизлар кутубхоналари филиалларининг ташкил этилишини 2018 йилнинг бюджет параметрларида кўриб чиқиб, штат жадвали бўйича ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигига (П.Айтмуратов) Республика кўзи ожизлар кутубхонасининг Нукус шаҳар ва Тўрткўл, Эллиққалъа, Кегейли туманларида филиалларини ташкил этиш ва ушбу кутубхоналар учун шаҳар ва туманлар маданият ва халқнинг дам олиш марказлари биносидан хоналар ажратиш топширилсин.

4. Республика кўзи ожизлар кутубхонаси директори (А.Ахегова)га кўзи ожиз инсонларнинг ва оила аъзоларининг билим саводхонлигини ошириш мақсадида кутубхона фаолиятини кучайтириш, кутубхона фонди, кутубхонани ўқув-услубий, адабий-бадиий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, штатлар бирлигида кўрсатилган малакали ходимлар билан

таъминлаш ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш топширилсин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Вазирлар Кенгашининг Раиси**



**К.Сариев**